

FROM NATIONAL RECOVERY TO NATIONAL UPGRADE

*Nosirov Rashod Adilovich, Ph.D., professor
Tashkent State Transport University*

Аннотация. Мақолада «Янги Ўзбекистон», кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйилиши ва унинг аҳамияти Ўзбекистонда бугунги кунда ривожланиш ва амалга оширилаётган ислохотлар ва унинг жорий этилиши борасидаги ишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Собик, совет тузуми, инқироз, буйруқбозлик, қайта куриш, ошкоралик, тизим, ташқи ва ички сиёсат.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда «Янги Ўзбекистон» ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидаги маърузасида: “Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас, Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас”, деган фикри юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар қўлами ва кутилаётган натижаларга асосланганлиги билан характерланади.

Мамлакатимизда мустақилликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадам 2016 йилдан бошланди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Бошқача сўз билан айтганда, биз бугун янги Ўзбекистонни барпо этишга киришдик, унинг мустаҳкам заминини ярата бошладик, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда бир неча ўн йиллар давомида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар бажарилди. Ўзбекистон том маънода миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари юз тутди ва бу қуйидагиларда ўз аксини топмоқда, хусусан:

биринчидан, охириги тўрт йил Ўзбекистон тарихида туб бурилиш даври бўлди. Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Давлатимиз олиб бораётган очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсатни инобатга олиб ҳамда узоқ муддатли стратегик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепцияси янада такомиллаштирилди. Россия, Хитой,

Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амириги ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалар янада кенгайди.

Афғон муаммосини ҳал этишга қаратилган глобал саъй-ҳаракатларга Тошкентда 2018 йил 27 мартда Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган халқаро конференция мустаҳкам пойдевор яратди, десак, муболаға бўлмайди, чунки конференцияда Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш бўйича кўп қиррали ва мураккаб масалалар минтақа ва халқаро миқёсда кенг муҳокама қилинди. Ўзбекистон Афғонистон ҳукумати билан “Толибон” ҳаракатининг “олдиндан шарт қўймаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик” асосида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш ҳақидаги қарорни қўллаб, афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус-муросага эришиш, Афғонистон ҳукумати ва қуролли муҳолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизмини ишлаб чиқиш, Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклифларини илгари сурди. Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Транс-афғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки қадамлар ташланди. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақада барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга бекиёс хизмат қилади.

2020 йилда республикамиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилди ва пандемияга қарамасдан, кўзда тутилган 60 дан зиёд барча халқаро тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, 70 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг олий минбаридан Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёев илгари сураётган глобал ва минтақавий ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан қатъий қизиқиш билан қабул қилиниб, қўллаб-қувватланмоқда. 2021-2022 йилларда Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиши бўйича ҳам жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Халқаро майдондаги амалга ошираётган қатъий саъй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда;

иккинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири кўшни Марказий Осиё давлатлари билан яхши кўшинчилик, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда иборатдир. Сўнги йилларда кўшни давлатлар билан алоқалар янги босқичга чиқди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-

коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларда Марказий Осиёда “янги сиёсий атмосфера” вужудга келди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон томонидан Давлат чегараларининг туташган нуқтаси худуди ҳақида шартномалар имзоланди. Имзоланган шартномаларнинг эътиборли томони шундаки, улар муддатсиз бўлиб, денонсация қилинмайди. Сўнги пайтда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўз чегараларининг 85 фоизи юзасидан келишувга эришилди, бунинг натижасида кўпдан буён давом этиб келаётган муаммолардан бири деярли ҳал этилди. Транспорт соҳасида ҳамкорлик кенгайиб, Тожикистон билан тўғридан-тўғри авиақатновлар тикланди. Товар айирбошлаш ҳажми ошди, чегараолди ҳудудлар ўртасидага алоқалар мустаҳкамланди;

учинчидан, халқ билан мулоқат шакли ва мазмуни тубдан яхшиланди. “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” тамойили жорий қилинди. Президент Халқ ва Виртуал қабулхоналарида фаолияти йўлга қўйилиб, бугунги кунга қадар аҳолининг қарийб 4,5 миллионга яқин мурожаати кўриб чиқилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида (2020 йил) 806 минг мурожаат кўриб чиқилиб, уларнинг 456 мингтаси (57 фоизи) қаноатлантирилди. Барча даражадаги давлат органларида фуқарола Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ҳал этиш амалиёти йўлга қўйилди; мурожаатлари билан ишлашга устувор аҳамият қаратила бошланди. Худудларда сайёр қабуллар, учрашувлар ўтказила бошланди. Катта аудиторияга эга бўлган қарийб 300 га яқин хусусий ва идоравий Интернет нашрлари ташкил этилди. ОАВнинг мустақиллиги, матбуот эркинлигини амалда таъминлашга қаратилган қатор Президент қарорлари қабул қилинди. Давлат органларининг матбуот хизматлари фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Интернетдаги ижтимоий тармоқлар, блогерлар фаолияти кенг оммалашди. Барча даражадаги давлат органлари ўз фаолияти ҳақида парламент ва жамоатчилик олдида ҳисобат бериши амалиёти йўлга қўйилди. Диний эркинлик, сўз эркинлиги, очиқлик таъминланишига доир 10 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди. Яқинда (2020 йил) АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатларлар” рўйхатидан чиқарилганлиги ҳам кенг кўламли демократик ислохатларнинг эътирофидир;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари, унинг шаъни ва қадр-қиммати, сўз эркинлиги ҳақиқий маънода қадрият даражасига кўтарилди. Жиноий жазога тортилган ва қилмишидан пушаймон бўлган 4600 нафардан зиёд шахс Ўзбекистон Президентининг фармонлари билан афв этилди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш борасидаги тизимли ислохатлар самараси ўлароқ қарийб 2600 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Диний эътиқод ва қарашлари учун инсонларни таъқиб қилиш билан боғлиқ ҳолатларга мутлақо

барҳам берилди (“қора рўйхат” йўқ қилинди). Инсон ҳуқуқлари ва қийноқлар масаласида узок йиллар халқаро майдонда эътироз ва танқидларга сабаб бўлган “Жаслик” колонияси ёпилди. Бундан буён жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш борасидаги ишлар давом эттирилиб, халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда 25 та манзил-колониялар босқичмиа-босқич қисқартирилади. Биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробація назоратига олинади. Мазкур енгиллик натижасида ҳазирда жазо ўтаётган 6 минг нафар шахсга ўз маҳалласи назорат остида оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилади. Шу билан бирга, жазони енгилроқ билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муссаларидан янги ташкил этилган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилади.

Тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг ҳали ҳам учраб тургани, фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётгани ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатаётгани айна ҳақиқат. Шунинг назарда тутган ҳолда “Олий Мажлис палаталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан икки ой муддатда ўз таклифларини ишлаб чиқиши зарур. Бунда Омбудсман томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига “мониторинг ташрифлари” тизими йўлга қўйилиши керак. Олий Мажлис палаталари ҳар йили Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузани эшитиб, бу иллатга бутунлай барҳам бериш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш лозим”, деб таъкидлайди Президентимиз.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашга қаратилган ишларимизнинг яна бири, 2019 йилда 1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга Ўзбекистон фуқаролигини тўғридан-тўғри бериш тартиби белгиланди. Бу билан 50 минг нафардан ортиқ шахсларга фуқаролик олиш имконияти яратилди. Келгуси йилларда бу ишларни давом эттирилиб, 2005 йилгача мамлакатимизга келиб доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини бериш, бу билан яна 20 минг киши Ўзбекистон фуқароси бўлиш имкониятига эга бўлади. Бундан буён юртимизда 15 йил давомида муқим яшаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини беришнинг доимий тартиби жорий қилинади;

бешинчидан, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, гендер тенгликни таъминлаш амалга оширилаётган

ислоҳатларимизнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланди десак хато қилмаймиз. Республика Касаба уюшмалари Федерацияси бошчилигида мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар томонидан жойларда уйма-уй юриб, 6 миллиондан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилди. Бу ишларга маҳаллаларда янги ташкил этилган “Аёллар маслаҳат кенгашлари” ҳам яқиндан кўмак берди. Бу ўрганишлар натижасида жойлардаги ҳақиқий аҳвол юзага чиқди. Шулар асосида “аёллар дафтари” шакллантирилмоқда, хотин-қизларни қийнаётган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топилмоқда.

Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борилган ислоҳатлар натижасида парламентимиз таркибининг 30 фоизи аёллардан иборат бўлди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Келгусида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор хотин-қизлардан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этиш, жойлардаги Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятига эса ҳокимларнинг ушбу масалалар бўйича маслаҳатчилари раҳбар этиб тайинлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича республика ва ҳудудий жамғармаларни янги ташкил этиладиган кенгашлар ихтиёрига ўтказиш назарда тутилмоқда. Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Бунинг учун Халқ банки томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилади;

олтинчидан, Ўзбекистон ўз истиқболини инновацион стратегияда кўраётганини бугун кўплаб халқаро кузатувчилар эътироф этишмоқда. Инновацияни эса амалиётга билимли ва ташаббускор ишбилармонлар олиб киради. Бир нарсани таъкидлаш лозимки, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Айнан шу боис ҳам давлатимиз мамлакат тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминловчи энг муҳим бўғин – тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратди. “Бу борада, ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларин, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш - барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим” - дейди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев. Шунинг учун ҳам 1921 йилдан бошлаб тадбиркорлар олдидаги ғовлар олиб ташланмоқда, хусусан, тадбиркорлик

фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқалади. 2016 йилда тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга мораторий эълон қилинган эди. Бунинг натижасида ўтган даврда тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайиб, 400 минггага этди. Шунинг назарга тутган ҳолда Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида мораторийни яна бир йилга узайтириш таклифини илгари сурди. Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигини дуч келган тадбиркорларни оёққа туриб олишлари учун 20 мингга тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солиғини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтириш белгиланди. Бундан ташқари, 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказилди. Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда (2021 йил) 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтириш белгиланди. Юртимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида амалий чоралар кўрилмоқда. Бугунги кунда 130000 яқин тадбиркорлик субъектларини хотин-қизлар бошқармоқда. 2020 йилда хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 2,5 минг нафардан зиёд аёлларнинг кичик бизнес лойиҳалари учун жами 52 млрд сўмга яқин маблағ ажратилди;

егинчидан, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлардан бири қишлоқ хўжалиги модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришдан иборатдир ва бу борада республикада катор ишлар амалга оширилди. Озиқ-овқат, чорвачилик, мева сабзавотчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун 100 трлн сўм, ёки 2016 йилга нисбатан 4 баробар кредит ажратилди. Қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси 10 йилга (2020-2030 йиллар) мўлжалланган стратегиялар қабул қилинди ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. 2020 йилда 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёки 2019 йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилинди. 2021 йил ҳосилидан бошлаб давлат томонидан ғаллага харид нархини белгилаш амалиётидан тўлиқ воз кечилиши ҳамда давлат ғалла хариди тўлиқ бекор қилиниши қатъий белгиланди. Пандемиянинг нарх-навога таъсирини инобатга олиб, асосий турдаги озиқ-овқат

маҳсулотлари импорти божхона тўловларидан озод қилинди. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳатлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилганлиги пахтачиликда ҳосилдорликнинг бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди. Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Келгусида ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш, барча вилоятларда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказларини ташкил этиш, уларда “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, рақамлаштириш, ернинг унумдорлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий этишга илк бор 600 миллион доллардан зиёд кредит ва грант маблағларини жалб қилиш, сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари 5 баробарга кўпайтирилиб, 430 минг гектарга етказилиб, 90 минг гектар янги ер ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Буларнинг барчаси “Янги Ўзбекистон феномени”ни вужудга келтирди. Ўзгариш ва янгиланишлар дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Мамлакатимиз ҳақида: “Ҳавода умидбахш кайфиятлар ҳис этилмоқда. Ўзбекистон барча аҳолисининг оғзида ўзгаришлар”, деб ёзади Буюк Британиянинг нуфузли “The Guardian” газетаси. “Республиканинг ташқи дунёга қучоқ очиши мамлакатнинг янги йўналишда шахдам одим отишига имкон беради”, – бу АҚШда чоп этиладиган “The Washington Post” газетасидан олинган сўзлар. “Ўзбекистон ўз йўлини аниқ биладиган, ўзгаришлар йўналишларини аниқ белгилаб олган мамлакат” (“Newsweek”, АҚШ); “Ўзбекистон иқтисодий тараққиётнинг янги асрига қадам қўймоқда” (“Germany Trade & Invest”, Германия); “Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг жадаллиги ҳайратга солмоқда” (“El Mundo Financiero.com”, Испания), деб ёзмоқда хорижий газеталар. Ўзбекистонда кенг кўламда олиб борилаётган чуқур ислоҳотларнинг оммавий ахборот воситаларида бундай яқдил ва юқори баҳоланиши қандай жамият ва давлат бўлишидан қатъи назар, камдан-кам содир бўладиган ҳодисадир.

REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2018
2. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон, 2018.
3. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2018
4. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Т., “Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Т., “Адолат”, 2017.
6. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Т.,”Ғофур Ғулом”, 2017
7. R Nosirov, G Mamajanova. International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan// European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 2022
8. РА Носиров, МИ Рахимова, СВ Темирова. Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили. // - инновации в педагогике и психологии, 2022.
9. N.R Nosirov. The strategic value of education for the development of science and training of promising personnel potential, 2022
10. R.A Nosirov . Educational Problems in the History of Central Asia// Innovative technologica: methodical research journal, 2021
11. N.R Nosirov . Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects// European Journal of Molecular and
12. Nosirov, R. O., & Temirova, S. V. (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO ‘NALISHI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 242-248.
13. Adilovich, Nosirov Rashod. "THE STRATEGIC VALUE OF EDUCATION FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND TRAINING OF PROMISING PERSONNEL POTENTIAL." (2022): 183-186.
14. Nosirov R. THE PLACE AND ROLE OF THE MASTER AMIR TEMUR IN WORLD HISTORY //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 203-205.
15. Умарова, Р. Ш. (2019). Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни. *Достижения науки и образования*, (3 (44)), 32-33.
16. Умарова, Р. Ш. (2019). Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни. *Проблемы науки*, (4 (40)), 56-57.

17. Умарова, Р. Ш. (2020). Натурфилософия Абу Райхана Бируни. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 35-37.
18. Umarova, R. S. (2019). Fundamentals of spiritual and moral education of youth in the works of Abu Rayhan Beruni. *Problems of science*, no. 4 (40).
19. Ziyayev K.Z., Ismailova Sh.B., Method of determination of transport intensity in urban conditions, *European multidisciplinary journal of modern science* (2022), volume 5
20. Mukhitdinov A., Ziyayev K., Method for evaluating the energy efficiency of regulated driving cycles, *European science review*(2016), volume 9-10
21. Mukhitdinov A., Ziyayev K., Analiz rejima raboti dvigatelya legkovogo avtomobilya v gorodskix usloviyax dvijeniya, *Evolyusiya sovremennoy nauki* (2016),
22. Ziyayev K., Сравнительная характеристика методов оценки стандартизованного ездового цикла, *Universum: технические науки*(2020)
23. Ziyayev K., Методика сравнительной оценки легковых автомобилей в городских условиях с применением информационных технологий, *ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА* (2017)
24. Nosirov, R., & Mamajanova, G. (2022). International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 86-88.
25. Носиров, Рашод Адилевич, Машхура Иномжановна Рахимова, and Светлана Владимировна Темирова. "Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили." *инновации в педагогике и психологии* 5.3 (2022).
26. Nosirov Rashod, and Yuldashev Bakhtiyar Ergashevich. "Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects." *European Journal of Molecular and Clinical Medicine* 8.1 (2021): 1388-1396.